


ГЕНДЕР ва СУВ



2

Гендер, сув, тозалик ва саломатлик



Биз, гендер ва сув муаммолари Альянси (ГСМ Альянси) мазкур буклетни қўлга олаётганингиздан хурсандмиз. Унинг ёрдамида биз Сизларга жуда ҳам муҳим ва долзарб муаммолар ҳақида сўзлаб берамиз.

Дастлаб шуни айтмоқчимизки, бу сухбат буклетни ўқиш билан бошланади. Шу билан бирга, умид қиласизки, бу буклетда ўқиганларингиз ҳақида яқин қариндошлар, мактаб ва ишхонадаги таниш-билишларга сўзлаб берасиз. Сиз бу буклетни ўқиб чиқиш тўғрисида маслаҳат беришингиз, агар ўқитувчи бўлсангиз, уни она тилингизга таржима қилиб, нашр эттиришингиз мумкин. Шунингдек, Сиз у ердаги расмлардан фойдаланиб, мулоқот, баҳс-мунозара ўтказишингиз ва ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, уларда ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил баён этиш кўникмаларини шакллантиришингиз мумкин.

Сиз Интернетдаги WWW.GENDERWATER.ORG сайтига кириб, барча буклетларнинг расмларини кўчириб олишингиз мумкин. Шу ўринда муаллиф ҳамда гендер ва сув муаммолари Альянси ходимларига миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Сўз охирида шуни айтмоқчимизки, агар Сиз гендер ва сув муаммолари тўғрисида батафсил маълумот олмоқчи бўлсангиз, ГСМ Сизнинг хизматингизда.

Сиз ва биз – ҳар биримиз ўз яшаётган жойимиз, у ердаги дарё, кўл ва сув ҳавзаларини бошқаришда ўз ҳиссамизни қўшишимиз ва бу билан ҳаммамизни сув билан таъминлашга хизмат қилишимиз мумкин.

Энди навбат Сизга. Яхши кайфият, катта қизиқиши билан ўқиб чиқишингизга тилакдошмиз.


СУВ – БУ ОБИХАЁТ!




Лекин сув такчил бўлса-чи?

Ким ҳаммадан кўп азият чекади?

*Ким қадим замонлардан бери
уйига сув келтиради?*





*Ким оиласи, экинзор ва уй ҳайвонларини
сув билан таъминлайди?*

БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ АСОСАН
АЁЛЛАР БАЖАРАДИ



*Хар бир аёл сувнинг қадр-қимматини билади.
Шу билан бирга сув...*

касаллик келтиришини ҳам билади!




Ёш болаларда учрайдиган ва баъзан уларнинг
ўлимига сабабчи бўладиган *диарея* (ич кетиш)
касаллигининг асосий сабабчиси ифлосланган
сувдир Одамлар турли чиқинди ва инсон ахлати
билин ифлосланган сувни ичиш ёки унда чўмилиш
оқибатида *диарея* касаллигига чалинадилар.



Гепатит, вабо ва *лептоспироз*

касалликлари ҳам шу йўл билан юқади.

Турли хил *паразит* касалликлари ҳам.



Саломатликнинг ёмонлашуви ҳар

Лекин ҳаммадан кўпроқ аёллар жабр кўрадилар.
Оналар ўз фарзандларининг соглигидан жуда ҳам
ташвиши чекадилар. Улар, тиббий ёрдамга мурожсаат
қилиши билан бирга, доимо оила гигиенаси ва
саломатлиги ҳақида қайгуришилари лозим.
Тозалик ва озодаликка риоя қилмаслик оқибатида
аёллар ва болалар жабр кўрадилар, бу уларниң тинч,
осойишта ҳаёт кечиришиларига халақит беради.
Гигиеник шароитларнинг яхшиланиши аёлларга
яхии ёрдам бўлади.



кимга ташвиш келтиради (сўзсиз)!

Менга шароит
яратиб беринг!



Шароитни яхшиланишига эришишнинг йўли – сув

Аёллар, эркаклар, ёшлар, қариялар – ҳамма йигилиб, тоза ичимлик суви, чиқиндиларни қайта ишилаш, оқова сувларни йўқотиши каби долзарб масалалар бўйича қарор қабул қилишида иштирок этишлари керак. Сув ресурсларини бошқаришида ва озодалик акцияларида иштирок этиши - жамиятда фаол бўлиши ва ҳокимият, сувдан фойдаланувчилар ва бошқа сувдан фойдаланишидан манфаатдор бўлган томонлар ва санитар хизматлар билан ўтказиладиган йигилишларда ўз жамияти манфаатларини ҳимоя қилишидир.



ресурсларини бошқаришда иштирок этишдир!

Айнан шундай йигилишларда барча уйларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби мақсадларга эришиши йўллари ҳал қилинади. Бунда аёлларнинг иштирок этиши жуда муҳимдир, чунки улар ўз оиласарининг эҳтиёжларини яхши биладилар.



*Биз сувга мұхтожларни етарлы даражада тоза
ишимлик суvi билан таъминлашини кафолатлаш
учун шароит яратишимиз керак*

Сув – ҳамма учун!



Сувга кафолат бериш – озиқ-овқатга кафолат беришидир. Дунёда бир күнмас бир күн очарчилукни йўқотиш учун, қишлоқ хўжалигини юритиш, ҳайвонларни ташналигини қондириши, табиий циклни сақлаб туриш учун ҳам сув керак.

Экин экиши, ҳосилни йигишида, айниқса, аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Бу мақсадга эришишида ҳамма қатори улар ҳам иштирок этишилари, қарор қабул қилишилари керак.



Сув ресурларини бошқариши бўйича йигилишларда мувофиқ қарорлар қабул қилиши учун эркак ва аёллар тенг сонда иштирок этишилари керак. Бундан ташқари, аёллар ҳукуматда, бассейн комитетларида ва сув хўжалиги бошқармаларида кўпроқ ўрин эгаллашлари керак. Жамоада аёллар одатда ҳамма фойдаланиши учун сув тақсимлашида иштирок этадилар.



Үйда ҳам улар сув кранларидан түгри
фойдаланишини билишлари керак.



Сув: ундан фойдаланиш

Тоза сув билан етарли даражада таъминланганларидан кейин, аёллар, ҳоҳ у она бўлсин, ҳоҳ ўқитувчи, оила ҳақида қайгурганлари учун, ўқитувчи бўлиб, гигиена қоидаларини ўргатишлари керак.

Улар қандай қоидалар экан?



Йўлари!

Фақат қайнатилган ва фильтрланган сув ичинг;
қўлларингизни ювинг, оғиз ва тишларингизни тозалаб туринг;
овқат пиширишдан олдин, болага қарашибан олдин, касалларга
қарашибан олдин ва кейин, овқат тановул қилишибан олдин
ва ҳожатга боргандан кейин **доимо қўлларингизни**
совунлаб ювинг!

Шу йўл билангина **касалликнинг олдини олиши мумкин.**



СУВНИ ИШЛАТИБ БЎЛГАНДАН СЎНГ НИМА БЎЛАДИ?

Оқава сувларни тозалаш керак. Хусусан, қариялар фойдаланилган сув тупроқ ва булоқларни ифлосламаслиги учун, тозалаш йўлларини биладилар.

Агрокимё ўғитларининг қолдиқлари дарё ва ер ости сув манбаига қўшилиб кетмаслигини олдини олиш керак.


Бу табиат учун жуда зарарли ва атрофда яшовчиларнинг соглиги учун хавфлидир.



Эң күп қўлланиладиган ечимлардан бири – бу канализация тизимлари. Бунда оқава сувлар уй ва бинолардан чиқарилган трубалар орқали чиқарилади ва атроф муҳитга таъсир этмайди.


Лекин бу хали ҳаммаси эмас! Табиат барча чиқиндиларни ўз-ўзича йўқота олмайди, оқава сувларни табиий муҳитга қайтишидан олдин, тозалаши керак. Бунинг учун бир қанча арzon ва самарали усуllар мавжуд.

Оқава сувларни нима қилиши керак?



Бу - сув ресурларини бошқариши масалаларига тааллуқлидир. Шу билан бирга ҳамма сув ресурларини бошқаришида иштирок этиши керак.


*Хаммага тегишли бўлган бу ютуқлар туфайли
аёллар катта обру-эътиборга сазовор бўлдилар.*



Катта ўзгаришиларнинг асоси – сув кранида ҳар куни фойдаланиладиган тоза сув бўлишининг кафолати ва оқава сувларнинг тозалаш системасининг қурилишидир.

Эркаклар ва аёлларга, ўғил ва қиз болаларга мос хожатхоналарнинг ўрнатилиши озодалик маданияти ва турли жиснсдаги инсонлар орасида ҳурматга асосланган аҳлоқ-одобга ўргатади.

Керакли санитария шароитлари мавжуд бўлганда оналар ва ўқитувчилар болалар ва ёшлиарни гигиена қоидаларига ўргатишлари мумкин. Шунинг учун бу ишларда аёлларнинг иштирок жуда муҳимдир.



КИМ ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙЎҚОТИШНИНГ

Чиқиндиларга эҳтиёт бўлиш, бу бошқа одамларнинг соглиги ҳақида қайгуришидир. Чиқинди дарёга ташланса, у сувни ифлослантириши билан бирга ўсимликлар ва ҳайвонот оламига қирон келтиради.

Чиқиндиларни очик жойда қолдирилса, у касаллик ташувчи каламуилар ва ҳашаротларни ўзига жалб қиласади.

Ёмғир эса чиқиндиларни дарёга оқизиб кетади.

Агар чиқиндини қадим замонлардагидек, ерга кўмилса, барибир ёмғир ёққанда уни ювиб кетади ва натижада ерости сув манбаларини ифлослантириши мумкин.

Сув ифлослангач фойдаланишига яроқсиз бўлиб қолади.

Уни тозалаши жуда қимматга тушиб, жуда ҳам қийинлашади.

Шу сабабли, ким сувга муҳтож бўлса, чиқиндиларни айтилгандек қилиб йўқотиши керак. Ва бу аёллар, эркаклар, болалар, ёшлар ва қариялар - ҳаммага таалкуқлидир.



**ТАШВИШИНИ ҚИЛСА, СУВНИ ҲАМ
ТАШВИШИНИ ҚИЛАЁТГАН БЎЛАДИ.**



Марҳамат,
бу ёққа...



Сувнинг ўз йўли бор. Биз уй қураётганимизда, ерга ишлов бераётганда табиат қонунларига ҳурмат билан қарашимиз лозим. Биз дарёларга чиқиндилар ташлашимиз, уни бошқа ўзанга йўналтириб, сувнинг оқимини ўзгартиришимиз керак эмас. Ёмғир ёғиб, сув ўз йўлини тополамагандা, у биз ҳоҳламаган томонга оқиши мумкин. Дарёлар тўлиб, далаларни ва шаҳарларни сув босиши мумкин. Бундай ҳолларда ночор одамлар кўпроқ азият чекади, чунки улар этишмовчилик сабабли сув тошқини ва кўчкilarга тайёр бўла олмайдилар.

Бошқа томондан, ёмғир сувларини йиғиб, далалар ва шаҳарларда, уй ва маъмуй биноларда турли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Сув тошқинлари келтириб чиқарадиган нотўғри ҳаракатларни аниқлаш, моддий исрофгарчилик ва саломатлик муаммоларини олдини олиш учун ҳар бир одамнинг сув ресурсларни бошқаришида иштирок этишлари муҳимdir.

Сув кранларидан сув олишини йўлга қўйинг; оқава сувларни тозаланг; камроқ чиқинди чиқаришига (қайта ишлатиш мумкин бўлган нарсаларни сақлаб қўйинг), чиқиндини маҳсус жойларга (ҳеч қачон дарё, ўрмон ва йўл четларига ташламанг) ташлашларига ҳаракат қилинг; ёмғир сувлари табиий йўл билан оқиб кетишини назорат қилинг; ёмғир сувларини ишлатиш учун сақлаб қўйинг – булар барчаси сув ресурларини бошқаришига тегишли ишлардир.

Сиз бир ишининг ташвишини қилмасдан, боиқа ишини қила олмайсиз

Булар ҳаммаси озодаликдир!




**Катта уй тозалаш
ишларидир!**



Сиз ҳамма томонларнинг фикрини инобатга олмасдан туриб, санитар шароитларни яхшилай олмайсиз.

Аёллар, эркаклар, ёшлар ва кексалар – уларнинг ҳар бири ўз ҳаётий тажрибасига эга. Ҳар бирлари жиоддий муаммо нимада эканлигини яхши билишади. Масъулият билан ёндоишган ҳар бир одамнинг сўзини эшигни керак.




*Кўпгина давлат арбоблари эски усулларда ишлайдилар.
Уларнинг фикрича, санитар шароитларни яхшилашининг
бирдан-бир йўли катта ва қимматга тушадиган жамоатчилик
ишлиридан фойдаланишидир. Лекин ҳозирги вақтда
инсонларнинг анъанавий ва университетлардан олинган
илемий билимларни бирлаштириши орқали, кам харажат
билин сувни бошқариш ва санитария шароитларини
яхшилаш мумкин.*



**Санитария яшаш шароитини
яхшилашга бошқалардан кўра
мұхтожрокларга, ўзгаришлар олиб келади.**

*Санитария – бу аёллар, болалар ва қарияларнинг
сүхат-саломатлиги ва касалхоналардаги навбатнинг
камайишиидир. Давлатнинг санитария учун сарф қилган
ұар бир тийини келажакда соглиқни сақлаш учун сарф
қилинадиган харажатларнинг 4-5 марта камайишига
олиб келади.*



*Тоза сув ва канализациядан фойдаланиши кенгайса,
ўқиши ва ишдаги давомат яхшиланади. Ишчиларнинг
ойлиги ҳам кўпаяди. Бу эса бошқа яхшиланишларга
олиб келади.*

*Санитария проектлари аёллар билан биргаликда
эркаклар учун ҳам янги иш жойларини очишга олиб
келади. Сувнинг сифати – бу ҳаёт сифати, яхии
ҳаётдир. Яхии ҳаёт эса иқтисодий ўсишдир.*



*Келажак ҳақида үйлаганлар яхши ҳаёт учун
курашадилар. Келинг 2015 йилгача санитар-техник
воситаларсиз инсонлар сонини икки бараварга
камайтирайлик.*

**Бизнинг мақсадимиз –
ҳамма учун сув
кранларида тоза сув
ва канализация.**





Нашрга тайёрловчилар:

Матн ва расмлар

Жиральдо Алвс Пинто ва Мегетерио

(Мигель Мендес Риэс, Марко Антонио де Ж.Ферейро, Фабио Ферейра,
Вандерлей Сорэс. Сотрудничество Феррета)

Таржимон

Мороу Гейнес Кэмпбел III

Мухаррир

Instituto Ipanema- Бразилия

www.institutoipanema.net

Йўналиш:Demetrios Christofidis e Ninon Machado

Реализация

Гендер ва сув муаммолари Альянси - АГС

Ижрочи директор: Джоук Муйлвижк

jokemuylwijk@chello.nl

secretariat@gwalliance.org

www.genderandwater.org

Гендера сув муаммолари Альянси

Хогестраат 20, 6953АТ Диерен, Нидерландия

Почта индекси 114, 6950АС Диерен, Нидерландия

+31 313 427230

Муаллифлик ҳуқуқи- Гендер ва сув муаммолари Альянси – АГС

Узбекистон Республикаси , 100187, Ташкент ш., массив Карасу-4, д. 11

Тел. (998 71) 266 50 95, 266 50 96. Факс (998 71) 266 50 97

таржима: Ойгуль Усманова

тахрир: Галина Стулина

саҳифалаш: Джахангир Абдурахманов

Буклетларнинг барча сериясини ўқиб чиқинг, кейин ўқувчилар, касбдошларинигиз билан ўзингиз ҳоҳлаганча ишишингиз мумкин.

Сиз расмлардан матнисиз фойдаланишингиз мумкин.

АГС веб-сайтига киринг ва расмларни компьютерингизги кўчириб олинг.

Кейин Сиз расмлардан фойдаланиб, ўз матнингизни ёзишингиз мумкин. Сиз, шунингдек, ўзингиз ўйлаб топган ҳикояни гапириб беришингиз ва ўз дарсларингизни тайёрлаши учун уларни бошқача тартибда тақдим этишингиз мумкин.

Жиralъдо ва АГСга миннатдорчилик билдиришини унутманг.

Наширнинг узбекча версиясини www.cawater-info.net
порталидан юклаб олишингиз мумкин.

Буклетлар тўртта:

1. Гендер ва сув. Гендер билан танишув. У ўзи нима?
2. Гендер, сув, тозалик ва саломатлик.
3. Гендер, сув ва иқлимий ҳодисалар.
4. Гендер, сув, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатлар.



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Confederation